

Туркменистонга ташриф якунланди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга расмий ташрифи самарали бўлди. Давлатимиз раҳбарини Ашхобод аэропортида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов кузатиб қўйди.

Икки мамлакат ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида декларация имзоланди. Шунингдек, ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича ўндан ортиқ ҳужжат қабул қилинди.

Президентимизга Туркменистон давлат университетининг Фахрий профессори унвони берилгани, Ашхобод шаҳрида «Тошкент» боғи очилгани, «Хоразм - Тошовуз» чегараолди савдо маркази қурилиши бошлангани ташрифнинг муҳим воқеалари бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифни якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.



Манба